


634.1
F-942

Ҳ.ҒУЛОМОВ



849729/4

Отадор

БАРПО ҚИЛИШ

ВА

УНИ

ПАРВАРИШЛАШ

СУХБАТЛАР

ФРАН ХАҚИДА



Ҳ. ҒУЛОМОВ
Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати

634.1
F 942

ОЛЧАЗОР БАРПО
ҚИЛИШ ВА УНИ
ПАРВАРИШЛАШ

Д49729/4.



№ 7

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг
Бирлашган нашриёти
Тошкент — 1968

КИРИШ

А Халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани (1966—1970 йил) директиваларида асосий эътибор халқимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Аҳолининг хўл мева ва ундан тайёрланган консерва маҳсулотига бўлган талабини қондириш учун мевазорлар ҳосилдорлигини ошириш ва консервабоп мева хиллари майдонини кенгайтириш муҳим ўрин тутди. Мева консерваларини кўпайтиришда олча мевасининг ҳам аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон боғлари ҳаммаси бўлиб 144 минг гектарни (1965 йил) ташкил этса, шундан олчазорлар майдони 5,5 процентни ишғол этади. Кўпчилик олчазорлар оммавий ёки юқори ҳосилдор навлардан эмас, балки тарқоқ ва хашаки навлардан иборатдир. Одатда олча дарахтлари боғ атрофларига, йўл ва ариқ бўйларига ҳамда томорқаларга экилиб келинган. Бу аҳвол олчадан товар маҳсулот етказиб беришга нолайиқдир.

Олчазорларнинг тарқоқ ҳолда жойлашганлиги олча ўсимлигининг биологик хусусиятини аниқ билган ҳолда унга озуқа ва сув бериш режимига риоя қилиш, механизациядан фойдаланиш ҳамда махсус агротехника чораларини қўллашга имконият бермайди. Натижада бу дарахтлар кам, майда ва сифатсиз ҳосил берадилар. Боғбонлар олдига қўйилган вазифа—консервабоп меваларни

етиштириш учун колхоз ва совхозлардаги мавжуд олчазорлар агротехникасини яхшилаш, йирик мевали навлардан оммавий боғлар ташкил қилиш вақт талаби бўлиб қолди. Боғдорчиликдаги фан ютуқларини қўллаш ва механизациядан кенг фойдаланиш ёрдами билан сифатли, арзон маҳсулот етиштириш мумкин. Алоҳида барпо этилган олчазорлар эса ташқи муҳит шароитларидан тўла фойдаланиши сабабли нормал ўсиб, эрта ҳосил бера бошлайди.

Олча меваси бошқа мевалардан таркибида қимматли ҳисобланган кислотанинг 2,5—2,8 процент, қантнинг 8—10 процент ҳамда «С» витамин бўлиши билан ажралиб туради. Меваси ҳўл ҳолда иштаҳа билан истеъмол қилинса, қайта ишлаш билан мураббо, компот, шарбат, наливка, настойка тайёрланади. Агар музлатиб сақланса икки ҳафтагача мазаси ва витамин миқдори айнамайди.

Олча дарахти жуда осон кўпаядиган ва Ўзбекистонни турли тупроқларида ўса оладиган ўсимликдир. Қасалликка, ҳашаротларга, совуққа чидамлилиги юқори. Агротехникаси нормал олиб борилган тақдирда ҳар йили мўл ҳосил бераверади. Уртача ҳосили гектаридан 10—12 тоннадан кам эмас. Бу эса хўжаликларда боғдорчилик тармоғининг фойдали бўлишини таъминлайди. Олча ёриқсевар ўсимлик бўлганлигидан унга жой танлаш муҳимдир. Олчазор учун ажратилган майдон жойланиш жиҳатидан жуда қия бўлмаган, баҳорнинг совуқ ҳавоси гуллаш даврида зарар бермайдиган бўлмоғи лозим.

ТУПРОҚНИ ЭКИШГА ТАЙЕРЛАШ

Олча дарахтининг ҳам бўлак мева дарахтлари сингари, суғориладиган ҳосилдор бўз тупроқлар-

да илдиз системаси ва шох-шаббаси кучли ўсади. Шунинг учун аввало тупроқни экиш учун тайёрлаш, уни маданийлаштириш муҳимдир.

Тупроқни маданийлаштиришга эса уни чуқур ишлаш, ўғитлаш ва кўкат ўғитлари экиш билан эришилади. Тупроқни 35—50 сантиметр чуқурликда ҳайдаб, ўғитланса илдиз тарқалувчи зонанинг сув запаси ошади ҳамда овқат режими яхшиланади.

Академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтида ўтказилган тажриба шуни кўрсатдики, тупроқни ҳайдашдан олдин ҳар гектар ерга 10—25 тоннадан чириган гўнг солиниб, 40 сантиметр чуқурликда ҳайдалса экилган кўчатнинг 98—100 проценти тутиб қолади.

Бу системада ишланган тупроқни физик-химик хусусияти, ҳаво режими ҳамда микроорганизмлар иши яхшиланди. ПП—50 планаж плуги ёки чуқурлагич ўрнатилган П-3—30П плуг ёрдами билан тупроқнинг чуқур ҳайдалишига эришиш мумкин. Бу иш экишдан 1—1,5 ой олдин бажарилади, чунки кўчат ўтқозиш вақтигача ер бир оз ўтиради.

КУЧАТ УТҚАЗИШ СИСТЕМАСИ

Боғда олча дарахтларини жойлаштириш муҳим агротехника чораларидан бири ҳисобланади. Боғдаги озуқа майдони ўсимликнинг ўсишига ва ҳосилдорлигига таъсир кўрсатади. Оралиқлари тор бўлса дарахтлар ҳосилга киргунча ўралишиб кетади, ҳосили пасаяди. Кенг бўлган тақдирда бўш жой кўплаб қолиб кетади. Озуқа майдонига қараб новдалаши, шакл бериши, умр кўриши, ҳосилдорлиги турлича бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам олчазорларни барпо қилишда экилувчи навларнинг ўсиш хусусияти ҳисобга олинса ва шунга қараб озуқа майдони белгиланса кўчат эркин ўсади, натижада йилига мўл ҳосил беради, касаллик ва ҳашаротларга чидамлилиги ошади, механизациядан тўла фойдаланиш мумкин.

Академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтида ўтказилган тажрибалар шунни кўрсатдики, кучли ўсувчи навлар — Самарқанд ва подбельский, анадольский, қора шпанка олчаларининг қатор оралари 6 метрдан кам бўлмаслиги, ўсимлик ораси эса 5 метрдан камайтирилмаслиги керак. Ўрта бўйли Тошкент любкаси, олча навлари учун эса қатор ораси 5 метр қилиб экилса ҳам бўлади.

Демак, олча навларини боғга жойлаштиришда уларнинг биологик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда озуқа майдонини белгилаш муҳим тадбирлардан биридир.

БОҒ МАЙДОНИНИ РЕЖАЛАШ

Олчазор учун ажратилган майдон одатда 3—5 гектарли участкаларга бўлиниб, 6—8 метрли механизмлар айланиши учун атрофидан бўш жой қолдирилади. Йўл ва ариқ учун ўрин ажратилгач, режалашга киришилади. Майдон кузда ёки баҳорда режаланади. Тўғри режа — боғнинг ҳосилдорлигини ошириш, умр кечиришини узайтириш ва механизациядан кенг фойдаланишда ёрдам беради. Майдонни режалашга киришишдан олдин чўзилмайдиган симдан икки бўлаги олинди ва улардан бирини қатор ораларига, иккинчисини эса дарахт ораларига мослаб бўлиб чиқила-

ди ва белги қилиб қўйилади. (Ингичка симдан ўралиб сурилмайдиган ҳолда боғланади). Агарда махсус тросслар бўлса бу симларнинг ҳожати йўқ. Сўнгра 3 метрли қозиқлардан 12 таси тайёрланади. Майда 0,5 метрли қозиқлардан эса кам деганда бир гектарга етарли қилиб тайёрланади.

Режалашни тўғри бошлаш мақсадида томонлари 10 м × 8 м × 6 метрли узунликда бўлган уч бурчак ташкил этувчи каноп тайёрланади. Режалаш олдидан майдоннинг рельефи, сувнинг юриши ва қаторларнинг қандай ҳолатда бўлиши белгилаб олинади.

Уч бурчак майдоннинг бир учига томонлари боғ қаторларини кўрсатадиган ҳолда жойлаштирилади. Оддий кўз қараш воситасида уч бурчак томонларининг давомига қараб боғнинг икки томонига, ҳар 50 метр оралиққа 3 метрли қозиқлар қадалиб чиқилади. Уч бурчак майдонни иккинчи бурчагига кўчирилиб боғни учинчи томонига қозиқ қадалади. Майдоннинг учинчи бурчагига уч бурчак кўчирилиб, боғнинг тўртинчи томони шундай тартибда белгилаб чиқилади. Сўнгра тросс ёки бўлинган симлар ёрдами билан қатор оралари ва дарахт оралиғи белгиланади. Бу ишни 2 кишидан бўлиб икки симда 4 киши бажаради. Ҳар бир қаторни ҳамда ўсимлик ўрнини кўрсатувчи 0,5 метрли майда қозиқларни қадаб чиқади. Охирида икки киши махсус ўтказиш тахтаси ёрдами билан бу қозиқларнинг икки томонига 1,5 метр кенгликда чекка контроль қозиқларни қадаб чиқиши лозим. Бу ишларни бажариб бўлгач, қўлда ёки чуқур қазувчи трактор машинаси билан чуқурлар қазила бошланади.

Олча кўчатларининг тўла тутиб қолиши ва унинг тез ривожланиши, қазилган чуқурларнинг

ҳажмига боғлиқ. Чуқурларнинг кенглиги ва чуқурлиги тупроқ шароитига ва ўтқазидан олдин тупроқни ишлашга қараб турлича бўлади. Олча кўчатлари учун унинг ўртача размери, кенглиги ва чуқурлиги 60 см дан бўлса, кифоя. Тошлоқ ва қумли тупроқларда бир оз кенгроқ, яъни 70×70 см бўлиши тавсия этилади. Чунки бу чуқурлар кўпроқ тупроқ билан тўлдирилиши ҳисобга олинади.

Ер ости суви яқин тупроқларда эса экишдан олдин тупроқ яхши ишланиб чуқурлиги камайтирилиши мумкин. Кенглиги 40 см, чуқурлиги эса 50 см бўлса етарли. Экишни бошладан 15—20 кун олдин чуқурлар қазиб қўйилади. Баҳорда экмोकчи бўлсангиз чуқурларни кузда қазиб қўйиш мумкин, чунки экиш вақти келгунча тупроқ ўтиради ва нам тўпланади. Қўл билан қазилганда эса тупроқнинг озукали усти қабатини бир томонга, остки қисмини эса иккинчи томонга ташлаш керак. Механизациядан фойдаланилмокчи бўлинса махсус чуқурқазгич парма (ЯҚ-1) ишлатилиб ҳар бир иш кунда 600—800 гача чуқурни тайёрлаш мумкин. Бироқ бу машина тупроқни сочиб ташлайди ва чуқур деворларининг нами тез қочади. Шунинг учун кўчатни ўтқазиш иши қазиш билан бир вақтда олиб борилиши керак.

КУЧАТНИ ЎТҚАЗИШГА ТАЙЁРЛАШ

Ўзбекистон шароитида бир йиллик олча кўчатни яхши ўсиб, 3—5 шохга эга бўлади. Бундай кўчатлар боғга экиш учун яроқли ҳисобланади. Лекин кўчатлар шохлари синмаган, зарарланмаган, йўғонлиги 1,5—2 см дан ингичка бўлмаган бўлиши керак.

Кўчатларни кўмилган жойдан ўтқазиш жойи-

гача аравада ёки тагига похол ташланган машинида усти берк ҳолда етказиб бериш тавсия этилади. Акс ҳолда кўчатларнинг танаси шилиниб, нами қочиб қолади. Натижада кўчат яроқсиз ҳолга келиб қолади. Кўчат белгиланган жойга келтирилгач эса ўтқозиш вақтигача яна бўғзигача ариқларга кўмиб қўйилади.

ЎТҚАЗИШ ВАҚТИ

Ўзбекистон кузи илиқ ва узоқ вақт давом этади. Шунинг учун ҳам олча кўчати кузда ўтқазилса яхши натижа беради. Кўчат кузда ўтқазилса тўла тутади, баҳорда тез авж олади. Кўчатларни экишдан олдин обдан кўздан ўтқозиш лозим. Зарарланган қисми кесиб ташланади. Кўчат илдизининг узунлиги 25—30 см дан қисқа бўлмаслиги керак.

Баҳорда куртаклари қўзғолмасдан кўчат ўтқазилади. Бу иш кеч бажарилса кўчатларнинг тутиш проценти камайиб кетади.

ЎТҚАЗИШ ТЕХНИКАСИ

Олча ўсимлиги ҳосилдор тупроқда яхши ўсади ва мўл ҳосил беради. Боғ учун ажратилган майдон гўнг ёки минерал ўғитлар солиниб ҳайдалган бўлиши лозим. Лекин ўғитлар чуқурларга солинса яна ҳам таъсирчанлиги юқори бўлади. Шунинг учун 4 килограмм чириган гўнг, 80—100 грамм суперфосфат аралаштирилган ҳолда устидан чиққан тупроқнинг ярим челақчаси қўшилиб чуқур тагига ташланади. Кўчат ўтқазилгач, илдиzlари тўрт томонга таралади ва даставвал устидан чиқарилган тупроқ билан, сўнгра

остидан чиққан тупроқ билан чуқур тўлдирилади. Чуқур тўлгунга қадар тупроқ ярмига келганда бир марта, ярмидан ошгандан сўн иккинчи марта оёқ учида босиб қўйилиши керак. Бунинг натижасида тупроқ оралиғида бўшлиқ қолдирилмайди. Ўтқазилган кўчатларни илдиз бўғизи тупроқ сатҳидан 4—5 см баландроқ бўлиши керак. Охирида штамба атрофига 20—25 см юмшоқ тупроқ тўплаб қўйилади. Шўр тупроқли ерда бу иш қилинмайди, чунки туз шу ерда тўпланиши мумкин.

Боғга кўчатлар ўтқазиб бўлингач, дарҳол дарахт танасидан 0,5 метр оралиқда икки томонидан ариқлар олиниб суғориш зарур. Кетма-кет бажариладиган ишлардан яна муҳимлари кўчат ўтқазилиб бўлингач шакл бера бошлашдир. Шаклланда ён қисқаради. Оралиқдаги ортиқча новдалар сийракланади. Бу тадбир тупнинг сершоҳ бўлишига, танасининг йўғонлашишига ёрдам беради. Кўчатни учки новдаси асосий новдалардан 15—20 см баландроқ кесилади. 15—20 кундан сўнг иккинчи марта суғорилади ва дарахтларнинг илдиз бўғизи очилиб қўйилади.

ЕШ ОЛЧАЗОРНИ ТАРБИЯЛАШ

Ёш боғларнинг тез ривожланиб, барвақт ҳосилга кириб, мўл ҳосил бериши унга бериладиган агротехника ишловига боғлиқ. Аввало биринчи йили сув режимида катта эътибор берилиши, унинг беҳато тутиб қолишига ва нормал ўсишига, тез ҳосилга киришига ёрдам беради.

СУҒОРИШ

Олча дарахтининг илдиз системаси бошқа мевали ўсимликларга қараганда юза

тарқалганлигидан сувга талабчан. Илдиз ва новдаларининг ўсиш фазаларининг нормал ўтиши, ўсимлик танасида модда алмаши-нишини ва уларнинг серҳаракат бўлиши учун, илдиз жойлашган қаватда етарли нам бўлиши зарур. Ўзбекистон ўзгарувчан иқлимий шароитга эга бўлганлиги учун кўпинча йиллик ёғин миқдо-ри турлича тушади. Ўртача ёғин 300—350 мм ҳисобланса ҳам баъзи йиллари ёғин жуда кам ёғиши мумкин. Шу йиллари, албатта, тупроқ намлиги пасайиб кетади. Ёғин кам йиллари туп-роқнинг намлиги 9—10 процентдан пастга тушиб, дарахтларнинг ёмон ўсишига ва кеч ҳосилга ки-ришига сабабчи бўлиб қолади.

Ёғин кам йиллари сув танқислигини йўқотиш мақсадида кузги ёки қишки яхоб суви бериш за-рур агротехник чоралардан бири ҳисобланади. Яхоб суви ёрдами билан тупроқ намлиги қиш ва баҳор фаслларида 70—80 процент (дала намлиги ҳисобида) миқдорда туради. Бу эса асосий илдиз системаси жойлашган зонанинг 1—1,5 метр чу-қурликдаги қатламида намликни оптимал дара-жада сақлаб туришга ёрдам беради. Агарда яхоб суви берилмаса дарахтлар қишдан чиққач баҳор-да, айниқса, кучли ўсиш даврида сувсизликдан илдизи ҳамда новдалари кучсиз ўсади. Натижа-да дарахт кеч ҳосилга киради.

Яхоб сувининг ёш олча дарахтларининг ўси-ши ва ривожланишига таъсирини Р. Р. Шредер номли боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтида 1961—63 йилларда ўтказилган тажрибадан кўрса бўлади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кў-рамизки, яхоб суви ёрдами билан новда ўсишини тезлатиш ва 6—14 процентгача қўшимча новда

Яхоб сувини олча новдасининг ўсишига таъсири

В а р и а н т л а р	1961		1962		1963	
	см	%	см	%	см	%
Ўсиш даврида 8 марта сугориш	100	100	106	100	73	100
2 марта яхоб, 6 марта ўсиш даврда сугориш	106	106	113	107	83	114

узунлигини олиш мумкин. Қўшимча новда узунлиги эса ҳосилни оширишга ёрдам беради.

Олча ўсимлигининг штамба, шох-шаббаси ва баландлигига яхоб фойдали таъсир этади. Буни қуйидаги жадвал рақамларидан кўриш мумкин.

Бир йилда ўртача ўсиши

В а р и а н т л а р	Штамба йўғонлиги (бир йилда)	Шох-шабба кенглиги	Баландлиги
8 марта ўсиш даврида сугориш (контроль)	1,8	0,8	1,0
2 марта яхоб, 6 марта ўсиш даврида	1,9	1,0	1,2

Демак, яхоб суви бериш билан дарахтларни тез бақувватлантириш ва бўйига ўстириш мумкин.

лиги аниқланди. Юқоридаги кўрсаткичлардан ташқари ўтказилган тажрибалар яхоб суви контроль дарахтларга нисбатан барг сатҳини 3—19 процент кўпайтиришга, дарахтларни бир йил олдин ҳосилга киришига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Бошланғич ҳосили контролга нисбатан 30—87 процент ошди.

Шундай қилиб Р. Р. Шредер институтида ўтказилган тажрибалар ёш олчазорлар учун ҳар мавсумда 2 марта яхоб ва ўсиш вақтида 6 марта сув бериш билан нормал сув режими вужудга келтирилиши аниқланди.

Ўзбекистоннинг суғориладиган бўз тупроғида гектарига 800 м³ миқдорда яхоб суви бир ёки иккинчи марта: ноябрдан то февралгача ер бағри яхламаган вақтларда берилса кифоя. Ўсиш даврида эса гектарига суғориш нормаси 500—600 м³ белгиланиб олти марта суғориш тавсия этилади.

Ўсиш давридаги биринчи сув дарахтлар гуллаб бўлгандан сўнг (апрель ойининг охирида), иккинчи сувни ўсиш даврида (май), учинчи сув гули тўкилишдан олдин (июнда), тўртинчи ва бешинчи сув эса меваларнинг етилиш даврида (июль-август), олтинчи сув меваларни териб бўлгач, дарахтларни ўсишдан тўхташига тайёргарлик кўраётган даврда берилади. Суғоришни чўзиб юбориш ярамайди, акс ҳолда новдалар ўсишда давом этади ва озгина совуқ билан зарарланади.

Айтиб ўтилган сув режими тўғри бажарилса олча дарахти нормал ўсади ва иккинчи, учинчи йилларда ҳосил бера бошлайди. Шунини ҳам эслаб ўтиш зарурки, агарда боғ оралиғига беда ёки сабзавот экинлари экилган бўлса уларга ҳам

қўшимча сув бериш лозим, акс ҳолда ёш дарахтлар сувсирайди ва ҳатто улар қуриб қолиши ҳам мумкин.

ЎҒИТЛАШ

Бошқа мевали ўсимликлар сингари олча ҳам новда, баргларининг ўсиши ҳамда етарли ҳосил бериши учун тупроқдан турли хилдаги озуқа моддаларини сувда эриган ҳолда олиб туради. Бу моддалар ҳисобига ўз танасида оқсил, қанд ва кислота ҳосил қилиб, уларни ҳаёт кечириши учун сарфлайди. Озуқа моддалардан азот, фосфор, калий, кальций, темир, магний, олтингурут энг кўп ишлатилади.

Булардан ташқари кам миқдорда бўлса ҳам тупроқдан бор, марганец, рух, мис, алюминий, йод, молибден, фтор сингари моддаларни олиб туради. Аммо шу моддаларнинг кўпчилиги тупроққа яна қайтиб тушмайди. Улар мева ёки дарахтларнинг кесиб олинган қисми билан чиқиб кетади.

Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг тажрибалари (Якушевич М. В.), бўз тупроқли ерларда гектарига 500 туп дарахт экилган беш ёшли олча боғининг йилига бир гектар майдондан қирқилган новдалари ва ҳосили билан 27,1 килограмм азот, 10,5 килограмм фосфор ва калийдан 12,3 килограмм чиқиб кетишини ва қайта тупроққа тушмаслигини аниқлаб берди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон тупроқлари ҳосилдор тупроқ ҳисобланса ҳам йилига чиқиб кетадиган элементлар қайтарилиб турилмаса унумдорлиги пасаяди. Ўғитланмаган

тупроқ химиявий анализ қилинганда суғориладиган бўз тупроқнинг ҳар бир килограммида азот 5—12 мг (нитрат формаси), фосфор 9 мг ва 80—100 мг калий элементи борлиги аниқланди.

Демак, тупроқдаги бор моддаларнинг камчилиги уларнинг йилига кесилган новда ва ҳосили ҳисобига чиқиб кетиши тупроқни ҳар йили ўғитламасдан ёш дарахтларнинг нормал ўсишига ва ҳосилга киришга эришиш қийинлигини кўрсатиб турибди.

Ўғитлар ўз хили ва таъсир кучи бўйича органик ҳамда минерал ўғитларга бўлинади. Органик ўғитлардан — гўнг, компост, кул, кўкат ўғитларни қўллаш мумкин. Бу ўғитлар тошлоқ, шағалли, қумлоқ ва оғир тупроқли ерларга солинса унумдорлиги яна ошади. Минерал ўғитлардан — азотли, фосфорли, калийли ва бошқа хилларидан фойдаланиш мумкин.

Азотли ўғитлардан — аммиакли селитра, мочеви́на, фосфорли ўғит — суперфосфат, калийли ўғит сифатида калий хлор ва унинг тузи кенг қўламда қўлланилади.

Органик ва минерал ўғитларни боғларга ўсимликлар энг кўп талаб қилган вақтда солиш керак. Илгарироқ солинган ўғит эса чириб, ўсимлик фойдалана оладиган формада бўлиши керак. Шунинг учун тупроқда секинлик билан парчаланадиган органик ўғитлар кўпинча ёш боғларга ерни тайёрлаш вақтида ёки боғ ерларини кузги шудгорлаш вақтида берилади. Улар қиш давомида чирийди, ўсимликларнинг уйғониш давригача фойдалана оладиган формага ўтиб туради. Фосфорли ва калийли ўғитлар секин эрувчи бўлганлигидан уларни органик ўғитга қўшиб берилса яхши натижа беради. Азотли ўғитлар эса эрта баҳорда (кучли ўсиш даврида) ҳамда дарахт гул-

қўшимча сув бериш лозим, акс ҳолда ёш дарахтлар сувсирайди ва ҳатто улар қуриб қолиши ҳам мумкин.

ЎҒИТЛАШ

Бошқа мевали ўсимликлар сингари олча ҳам новда, баргларининг ўсиши ҳамда етарли ҳосил бериши учун тупроқдан турли хилдаги озуқа моддаларини сувда эриган ҳолда олиб туради. Бу моддалар ҳисобига ўз танасида оқсил, қанд ва кислота ҳосил қилиб, уларни ҳаёт кечириши учун сарфлайди. Озуқа моддалардан азот, фосфор, калий, кальций, темир, магний, олтингугурт энг кўп ишлатилади.

Булардан ташқари кам миқдорда бўлса ҳам тупроқдан бор, марганец, рух, мис, алюминий, йод, молибден, фтор сингари моддаларни олиб туради. Аммо шу моддаларнинг кўпчилиги тупроққа яна қайтиб тушмайди. Улар мева ёки дарахтларнинг кесиб олинган қисми билан чиқиб кетади.

Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг тажрибалари (Якушевич М. В.), бўз тупроқли ерларда гектарига 500 туп дарахт экилган беш ёшли олча боғининг йилига бир гектар майдондан қирқилган новдалари ва ҳосили билан 27,1 килограмм азот, 10,5 килограмм фосфор ва калийдан 12,3 килограмм чиқиб кетишини ва қайта тупроққа тушмаслигини аниқлаб берди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон тупроқлари ҳосилдор тупроқ ҳисобланса ҳам йилига чиқиб кетадиган элементлар қайтарилиб турилмаса унумдорлиги пасаяди. Ўғитланмаган

тупроқ химиявий анализ қилинганда сугориладиган бўз тупроқнинг ҳар бир килограммида азот 5—12 мг (нитрат формаси), фосфор 9 мг ва 80—100 мг калий элементи борлиги аниқланди.

Демак, тупроқдаги бор моддаларнинг камчилиги уларнинг йилига кесилган новда ва ҳосили ҳисобига чиқиб кетиши тупроқни ҳар йили ўғитламасдан ёш дарахтларнинг нормал ўсишига ва ҳосилга киришга эришиш қийинлигини кўрсатиб турибди.


Ўғитлар ўз хили ва таъсир кучи бўйича органик ҳамда минерал ўғитларга бўлинади. Органик ўғитлардан — гўнг, компост, кул, кўкат ўғитларни қўллаш мумкин. Бу ўғитлар тошлоқ, шағалли, қумлоқ ва оғир тупроқли ерларга солинса унумдорлиги яна ошади. Минерал ўғитлардан — азотли, фосфорли, калийли ва бошқа хилларидан фойдаланиш мумкин.

Азотли ўғитлардан — аммиакли селитра, мочевина, фосфорли ўғит — суперфосфат, калийли ўғит сифатида калий хлор ва унинг тузи кенг қўламда қўлланилади.

Органик ва минерал ўғитларни боғларга ўсимликлар энг кўп талаб қилган вақтда солиш керак. Илгарироқ солинган ўғит эса чириб, ўсимлик фойдалана оладиган формада бўлиши керак. Шунинг учун тупроқда секинлик билан парчаланадиган органик ўғитлар кўпинча ёш боғларга ерни тайёрлаш вақтида ёки боғ ерларини кузги шудгорлаш вақтида берилади. Улар қиш давомида чирийдн, ўсимликларнинг уйғониш давригача фойдалана оладиган формага ўтиб туради. Фосфорли ва калийли ўғитлар секин эрувчи бўлганлигидан уларни органик ўғитга қўшиб берилса яхши натижа беради. Азотли ўғитлар эса эрта баҳорда (кучли ўсиш даврида) ҳамда дарахт гул-

лаб бўлгач, тугунчалар катталашганда берилса ўсимликка тўлиқ таъсир кўрсатади.

Ҳар хил ўғитлардан турли миқдорининг ёш олча дарахти ўсишига таъсирини ўрганиш юзасидан Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик-узум-



Ўғитланмаган уч ёшли олча дарахти.

чилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида ўтказилган тажрибалар қуйидаги натижани берди. Маълум бўлишича, ўғитлар қай ҳолда минерал ўғитлар аралашмаси сифатида ёки органик-

3-жадвал

Ўғитларнинг новда ўсишига таъсири
(1961 — 63 йиллар)

Вариантлар хили	Новда узунлиги	
	см	%
60 ^P 30	91	119
60 ^P 30	89	117
30 ^P 30 ^K 30	89	117
60 ^P 30 ^K 30	90	118
30 ^P 30 ¹⁰ т/гўнг	92	120
20 тонна гўнг	98	128
ўғитсиз	76	100

минерал ўғитлар аралашмаси ҳолида берилмасин, у ўсимлик новдасига ва унинг узунлигига кучли таъсир кўрсатади. Тажрибада, айниқса, гўнг солинган вариант юқори кўрсаткични берди, яъни ўғитсиз вариантга нисбатан 28 процент қўшимча новда узунлигига эга бўлди. Лекин ўғитлар минерал аралашма ҳолида ёки органик минерал ҳолда берилса ҳам таъсирчанлиги ошадди. Умуман аралаш ҳолда берилган ўғитлар 19—28 процент қўшимча новда узунлиги бериши мумкин. Ўғитлар ёш олча дарахти штамбасининг йўғонлашишига, шох-шабба кенглигига ва дарахт баландлигига таъсир кўрсатишини олсак аҳвол янада яққолроқ кўринади. Жадвал рақамлари

8219729/4


1961 — 1963 йиллар

В а р и а н т л а р	Йиллик штамба йў- ғонлиги, см	Йиллик шоҳ-шабба кенглиги, м	Йиллик дарахт баландлиги, м
60 ^P 30	1,9	0,9	0,8
60 ^P 30	1,9	0,8	0,9
60 ^P 30 ^K 30	2,1	0,7	1,0
30 ^P 30 ¹⁰ т/гўнг	2,1	0,8	1,0
20 тонна гўнг	1,9	0,9	1,0
Ўғитсиз	1,5	0,6	0,7

ёш олча дарахтларини ўғитлаш унинг тана йўғонлигига, шоҳ-шаббасининг кўпайишига ва бўйига нисбатан қўшимча ўсишига сабабчи бўлишини кўрсатиб турибди.

Ўғитли вариантларда ўғитсиз вариантга нисбатан дарахт штамбаси 0,5—0,6 см қўшимча йўғонлашади, шоҳ-шаббаси эса 0,3 метргача, баландлиги 0,3 метрга ортди. Демак, олча дарахти ёшлигида ўғит билан таъминланса, у тез ўсади ва барвақт ҳосилга киради. Аммо ўғитлар миқдори дарахт ёшига ва у эгаллаган озуқа майдонига қараб белгиланиши керак. Одатда биринчи йили 2 м² озуқа майдонга, ёши ошган сари 4 м², 8 м² ва ундан кўпроқ озуқа майдонга ҳисоблаб солинади.

Агротехника чораларидан бири бўлган тупроқни ишлашнинг ҳам аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам олчазорлар оралиғи кузда сифатли шудгорланиши ҳамда баҳор келиши билан боронаниб, туп таглари **чолик қилиб** қўйилиши лозим. Ёз бўйи 2 марта юмшатилади. Баҳор ва ёзда ёш



Ўғитланган уч ёшли олча дарахти.

дарахтлар танасининг қизиб кетишидан, қишда эса ҳароратнинг ўзгариб туришидан сақлаш мақсадида оқлаб қўйилади. Оқлаш мочалка (чипта)

билан бир қисм оҳак 3—4 қисм соғ тупроққа аралаштирилган лойқа билан бажарилади.

Олчазор эски боғ ўрнига ёки янги гўнг солинган далага ўтқазилган бўлса эски тўнка ўринларида бузоқбоши қурти пайдо бўлиши мумкин. Бунинг олди олинмаса тез вақт ичида дарахтлар илдизи кемирилади, қуришга сабабчи бўлади. Бунинг олдини олиш чораларидан бири 30 процентли гексахлоран препаратидан ҳар бир дарахт тагига 500 грамм сепиб чопиш ҳамда тезда бутун боғ майдонини захлатиб суғоришдир. Кучли зарарланган дарахтлар учраб қолса, улар қазиб олинади. Бузоқбоши қўл билан териб ташланиб ўрнига яна кўчат экиб қўйилади.

Ёш олчазорларда дарахтлар илдиз бўғизидан кўплаб бачки новдалар чиқазиб туради. Буларни ёз бўйи 2—3 марта ўткир қайчи билан кесиб ташлаш зарур. Ёш олча дарахтларининг шохшаббаси кичик бўлганлигидан қатор ораларини қоплай олмайди ва оралиқ ерларга 4—5 йилгача ҳар хил экинни экиш мумкин.


Боғ ораларига экин экишда тупроқнинг хили ва ҳосилдорлик даражаси ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Тупроқни азотга бойитиш ҳамда унинг структурасини яхшилаш учун 2—3 йил беда экиш тавсия этилади. Лекин суғоришда сувни беда учун алоҳида ҳисоблаб бериш керак. Кейинги йиллари эса қатор оралари ишланган сабзавот, картошка, палакли ўсимликлар экилиши мумкин. Бундан сўнг бир йил кўкат ўғит сифатида николон нўхати шабдар экилиб, гуллаш даврида ҳайдаб юборилади. Бу чоралар тупроқ ҳосилдорлигини оширади.

Дарахтлар нормал ҳосилга кирган даврдан бошлаб, қатор оралари қора шудгор ҳолида сақ-

ланиб турилиши боғни ёввойи ўтлардан ҳамда ҳашаротлардан тоза тутишга ёрдам беради.

ОЛЧА ДАРАХТИ ШОХ-ШАББАСИНИ ШАКЛЛАШ

Кўчатлар ўтқазилиб ўса бошлагандан кейин ҳам уларга шакл бериш давом эттирилади. Ёш кўчат шароит қулай бўлса тез ўсади ва сершоҳ бўлиб кетади. Шунинг учун ҳам шоҳ-шаббасини шаклламасдан ундан кутган ҳосилни олиш мумкин эмас. Шаклланмаган дарахтлар новдалари ингичка, ҳосил куртаклари сийрак бўлади, дарахт умри қисқаради. Демак, дарахт шоҳ-шаббаси ёшлигидаёқ тартибга солиниши лозим. Нормал



Нормал агротехникада ўсган уч ёшли олчазор.

шоҳ-шаббага эга бўлган дарахт ҳосили кўпаяди ва меваси йирик бўлади.

Олча дарахтини одатда яхшиланган туп системасида шакллаш мумкин. Бу системада новдалар маълум ораликда ва тўрт томонга таралади. Қолдирилган новдалар ёруғлик, иссиқлик ва ҳаво алмашилишидан тўлиқ фойдаланиши мумкин. Дарахт танаси паст штамбали, яъни 40—50 см бўлса кифоя. Новдаларнинг биологик хусусиятларига қараб тупнинг шоҳ-шаббаси 6—8 шоҳдан ташкил этилади. Она шоҳларининг асосий танага 45—50°ли бурчак билан бирикишига эришмоқ, кейинчалик уни синиб кетишдан сақлайди.

Олча ўсимлиги ҳосилга киргунча жуда кучли ўсади, ҳатто мавсумда йиллик новдалари 1—1,5 метр узунликкача ўсиб, шоҳланиб, серновда бўлиб кетади. Бундай бўлмаслиги учун дарахт бошланғич ҳосилга киргунча унинг новдаларидан $\frac{1}{2}$, $\frac{1}{3}$ қисми кесиб турилади.

Буташ вақтида она шоҳларини ва ундаги ҳосилдор шоҳларини кучли ўстириш учун улар орасидаги ортиқча, осилган шоҳлар олиб ташланади. Буташ йил сайин давом эттирилса олчанинг шоҳ-шаббаси режага олинади ва тез ҳосилга киради.

Тажрибадан маълумки, олча ўсимлиги барвақт, бир-икки йил ичида ҳосилга кира бошлайди. Ҳосилнинг деярли кўпчилиги бир йиллик новдада пайдо бўлади. Бу ҳол буташ вақтида олчага алоҳида аҳамият берилишини талаб қилади. Олча дарахти мева дарахтлари ичида эрта қўзғалувчан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни буташни эртaroқ, яъни шира қўзғалмасдан тугатмоқ лозим (февраль).

ОЛЧАНИНГ ЙИЛЛИК ЎСИШ ФАЗАЛАРИ

Олчанинг ўсиш фазаларини ўташи навига, агротехникасига ва иқлимий шароитга боғлиқ. Тошкент областининг мевачилик зоналарида олчанинг куртаклаши ва уни ёзилиши март ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Куртагининг очилиши 10—13 кун ичида тугайди. Ғунчалаши ва гуллаши, барг чиқара бошлаш муддатлари 1—28 март ичида тугайди. Танаси 12—17 кун ичида барг билан қопланади. Гуллаш даври 8—9 кун бўлиб, 12 кунда охирланади.

Янги новдалар барг чиқариш давридан бошлаб то май ойининг охиригача кучли ўсади, шу вақт ичида новда узунлиги 70—80 процентга етади. Бу биринчи ўсиш тўлқини деб юритилади. Сўнгра ўсиш 10—15 кун секинлашади ва 15 июндан бошлаб, августнинг биринчи ярмигача яна ўсиш давом этади, лекин ўсиш жуда суст боради. Буни иккинчи ўсиш тўлқини деб белгиланади.

Олча ўсимлигининг ўсиш ҳамда ривожланиш қонунларини билиш, унга сув, озуқани қайси даврда бериш мақбул эканлигини билишга ёрдам беради. Олча меваси июнь ойининг охири ва июлнинг биринчи ярмиларида пишади. Мевасининг етилиш даври 15—20 кун. Июль ойининг охирларида олча новдалари учидан куртаклар пайдо бўлиб, ўсишдан тўхтайдди. Олча ўсимлиги бошқа мевали ўсимликларга қараганда ҳашарот ва касаллик билан кам зарарланади. Лекин баъзи районларда цитоспориоз касали билан оғриши ёки баъзи йиллари ўргимчаккана зарарку-нандаси билан зарарланиши эҳтимол. Шу касал ёки зараркунанда аниқлангандан сўнг тезда

кураш чораларини кўриш дарахтларнинг соғлом-
лигини сақлашга ёрдам беради. Ҳар йили ҳосил
беришини таъминлайди.

ҚУРИШ КАСАЛЛИГИ (ЦИТОСПОРА)

Ёш олчазорларда дарахтларнинг айрим она
шохи ёки тана қисмида қурий бошлаши мумкин.
Бу дарахтнинг цитоспора моғори билан зарарла-



„Тошкент любкаси“ номли одча навининг меvasи.

ниши орқали вужудга келади. Қўпинча бу касаллик билан дарахтлар қишда, совуқ ҳароратнинг тез-тез иссиқ ҳароратга ўтиб туриши сабабли оғрийдилар. Қуриш бирданига ёки аста-секин шохларидан бошланиши мумкин. Олдин илдиз бўғизида ёки шохларни бурчагида ва танасининг айрим қисмларида пўст тўқималари ишламай шу ердан шира ўтмай қўяди. Натижада аввалги барги, сўнгра йиллик новдаси ва шохлари бутунлай қуриydi. Бу ҳолат тана қисмига тарқалса қуриш тезлашади.

Агар дарахт кичик еридан зарарланган бўлса шароит яхшиланиши билан яна тузалиб қолиши ҳам мумкин. Бунда зарарланган пўст ўрнига янги соғлом пўст ишлайди, дарахтни шира билан таъминлаш давом этади.

Олчани касалликдан сақлаш чоралари: 1. Боғда юқори агротехника қўллаш орқали дарахтларнинг нормал ўсишига эришиш, новдаларни кузгача пишириб олиш керак. 2. Дарахт танаси ва она шохларининг бош қисмлари оқланган бўлиши шарт. 3. Дарахтнинг ташқи таъсир туфайли шикастланмаслиги олди олиниши зарур. Буталган шох ўринларига тезда боғ мойи бўёғи суркалиб қўйилиши керак. 4. Қуриган дарахт ёки шох учраб қолса тезда уни қазиб олиш ёки кесиб ташлаш тавсия этилади.

Ўргимчаккана. Олча ўсимлиги ёш новдалари ўргимчаккана билан зарарланиши мумкин. Ўргимчаккана олча баргининг орқа томонида тўда-тўда бўлиб ёпишиб яшайди ва ўсимлик ширасини сўради. Зарар кўрган барглари ўзининг яшил рангини секин-аста йўқотиб, қорамтир рангга айланадилар. Сўнгра озгина куч таъсирида (шамол) тўкилиб кетади. Натижада дарахтлар ўсишдан тўхтаydi, мева куртакларининг пайдо бўлиш

жараёни кучсизланади. Ҳашарот пўстлоқ ёриқларида ва дарахт шохларида қишлайди.

ҲАШАРОТГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАСИ

1. Қуз ва қиш даврида дарахт танасини унда кўчиб турган эски пўстлоқлардан тозалаш ва йиғилган пўстлоқларни куйдириш, оқлаш, ерни ағдариб ҳайдаш ва яхоб суви бериш. 2. Зарарланган дарахтларга май ойида майдаланган олтингургуртга оҳақ аралаштириб (икки қисм олтингургуртга бир қисм оҳақ) сепилади. Ёки 0,5 даражали оҳақ олтингургурт қайнатмаси ёки олтингургурт коллоидининг 1 процентли суспензиясини сепиш тавсия этилади. Июль ойининг биринчи ярмида, ҳосил йиғиб олингач, яна бу ишлар такрорланади.

ОЛЧА НАВЛАРИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1960 йил 19 февралда чиқарган қарорига мувофиқ олчанинг честь губина, англия эртапишари, самарқанд ва тошкент любкаси навлари республиканинг айрим зоналарида ўстириш учун районлаштирилган. Бу навларнинг ҳар қайсисининг ўзига хос хусусияти, афзаллик томонлари ва камчиликлари бор. Тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун ҳар бир нави қисқача таърифлаб ўтамиз. (Лейн А. Н)

Майдюн нави (маяская). Эрта пишар нав, (20—30 май) серҳосил, экилганидан сўнг 2—3-йилиёқ ҳосил бера бошлайди. Меваси йирик, оғирлиги 6 граммдан кам эмас. Мевасининг ранги тўқ-қизил, юмалоқ шаклда, жигар ранг, сувли, юмшоқ, мазаси нордон-ширин, хушхўр. Дана-

ги йирик, юмалоқ — овал шаклда. Дарахти кучли ўсувчи, пирамида шаклда, худди гилосга ўхшайди. Бу нав Паркент, Қўқон ва Андижон областларининг ҳамма районлари учун стандартга киритилган.

Честь губина олчаси. Дарахти баланд, камбаргли, тухумсимон, шох-шабба ҳосил қилиб ўсади. Барги ўртача катталиқда, ўткир учли эллипс шаклда. Меваси ўртача катталиқда, пўсти қалин, тигиз, тўқ қизил, эти ҳам шу рангда, нордон-ширин мазага эга. Майнинг учинчи ўнқунлигида пишади. 5—6-йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги ўртача, совуққа жуда чидамли. Бу нав Ўзбекистоннинг кўпчилик районларига мослаштирилган.

Англия эртапишар олчаси. Эрта пишар, хўраки нав. Дарахти кучли ўсувчи, совуққа чидамли, намсевар. Шох-шаббаси қалин, кенг пирамида шаклида, тез ҳосилга киради (3-йилда), юқори ҳосил беради. Меваси йирик, оғирлиги 4—5 грамм келади. Ясси, думалоқ шаклда, ранги оч қизилдан тўқ қизилгача. Эти қизғиш, жуда серсув, юмалоқ, нордон-ширин мазага эга. Барги йирик, тўқ қизил рангда. Бу навни боғ атрофлари, ариқ бўйлари ва томорқаларда ўстириш тавсия этилади.

Падбелькс олчаси. Йирик мевали, хўраки ва консервабон нав. Дарахти катта, серҳосил, касаллик ва ҳашаротлар билан деярли зарарланмайди. Совуққа яхши чидамли. Меваси июннинг ярмида пишади. Меваси тўқ қизил, тўла пишганда деярли қорайиб кетади. Эти серсув, тўқ қизил рангли. Мевасини масази нордонроқ-ширин. Пўсти қалин ва гўшти қаттиқ бўлганлигидан бошқа жойларга юборишга яроқли. Меваси ҳўл ҳолда, компот ва қиём тайёрлаб истеъмол қили-

нади. Шарбат олишга ҳамда қуритишга яроқли. Бу навни Ўзбекистоннинг барча мевачилик районларида, айниқса, консерва заводлари зонасида ўстириш тавсия этилади.

Қора шпанка олчаси. Дарахти ўртача баландликда ўсади, сийрак бўтоқли. Думалоқ шаклли шох-шаббага эга. Сербарг, барг шакли тескари, тухум шаклида, тўмтоқ учли, юқори қисмлари ўткир учли бўлади. Меваси йирик, тўқ қизил, деярли қора тусда донасининг оғирлиги 4,5—5 грамм келади. Эти ва шираси тўқ қизил рангда, юмалоқ сершира, нордон-чучук мазага эга. Банди ўртача узунликда бўлиб мевасига маҳкам бирикади. Учинчи йили ҳосил бера бошлайди. Июннинг биринчи ярмида пишади. Ўзбекистоннинг барча мева зоналари учун районлаштирилгандир.

Анадоль олчаси. Кеч пишар, консервабоп нав. Ҳосилдорлиги юқори, 4—5-йили ҳосил бера бошлайди. Меваси йирик. 4 грамmdан ошиқ, юмалоқ, тўқ қизил рангли. Эти юмшоқ, жигар ранг, шираси рангли, нордон мазага эга. Данаги йирик овал шаклида. Дарахти кучли ўсади. Колхоз ва совхозларда боғ атрофларига ва томорқаларга экса бўлади.

Самарқанд олчаси. Ўзбекистонда экилган олчанинг 59 процентини ташкил этади. Ўз-ўзидан чангланиб ҳосил беради, лекин чет навлар билан чангланса ҳосили ошади. Ўртача совуққа чидамли. 3—4 ёшидан бошлаб ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги ўртача, ҳар бир тупидан 30—40 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Ҳар йили ҳосил беради. Бачки новдаси орқали яхши кўпаяди. Меваси ўртача катталиқда (2—3 г.) пишганда тўқ қизил рангга киради, пўсти қалин, нордон-ширин мазага эга. Камсувли, мураббо қай-

натилса эзилмайди. Мева банди узун (7—8 см) бўлиб, кичик чуқурча ҳосил қилиб бириккан, оч яшил рангли. Данаги ўртача катталиқда (2 г.) қобирғали, қаттиқ. Дарахти кучли ўсувчи бўлганлигидан пирамида шаклига эга. Пўст ранги оч қорамтир. Ҳосили асосан (90—95 процент) йиллик новдасида, қолгани эса узун мева шохларида жойлашади. Ҳар бир дарахти 20—30 килограммгача ҳосил беради, июлнинг биринчи ярмида пишади. Барги эллипс ёки тескари тухумсимон шаклда. Барг банди узун, четлари аррасимон. Бу нав Ўзбекистоннинг ҳамма районлари учун тавсия этилган. Меваси тўкилмайди. Хўл ҳолда мураббо тайёрлаш, компот қилиш ва қуритиш учун ишлатилади.

Тошкент любка олчаси. Бу олча ихчам, паст бўйли, шарсимон шох-шаббага эга. Шохлари бир оз осилиб туради. Барглари ўртача йирикликда, учи ўткир тухумсимон шаклга эга. Меваси йирик, думалоқ, юрак шаклига ўхшайди. Тўқ қизил рангли, эти тўқ сариқ рангли, юмалоқ, сершира, нордон бўлиб, шираси қизил тусда. Ҳосили бир йиллик ва кўп йиллик бутоқларида бўлади. Бу нав бошқа навларга қараганда совуққа чидамли. Меваси июлнинг биринчи ярмида пишади. Иккинчи йили ҳосил бера бошлайди, бироқ 20—22 йилдан кейин яшолмайди. Ҳар тупи ўртача 40—50 килограмм ҳосил беради. Бу ҳам асосан Тошкент области ва Ўзбекистоннинг шимолий районларига тавсия этилган.

На узбекском языке

Х. Г У Л Я М О В

кандидат сельскохозяйственных наук

ЗАКЛАДКА САДОВ ВИШНИ И УХОД ЗА НИМИ

Объединенное издательство

ЦК Компартии Узбекистана

Ташкент — 1963

Редактор Н. Рихсиев

Техредактор В. Зубовская

Корректор А. Азизов

Теринга берилди 19/1 1968 й. Босишга рухсат этилди 22/V 1968 й.
Қоғоз формати $84 \times 108^{1/32}$. Босма листи 1,0. Шартли босма листи 1,68. Нашриёт ҳисоб. листи 1,09. Тиражи 12130. Нашр № 452. P05930.
Заказ № 5823. Баҳоси 4 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриётнинг
босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.

634.1
P87

Гуломов Х.
Олчазор барпо қилиш ва уни парвартишлаш.
Т., Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1968.
29 бет. Тиражи 12130.

Гулямов Х. Закладка садов вишни и уход
за ними.

634.1